

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИГА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИНИ ЎТКАЗИШДА АСОСИЙ ТАШКИЛ
ЭТУВЧИ БЎГИН ҲИСОБЛАНАДИ ВА ҲЕЧ КИМНИНГ БУ ЖАРАЁНГА АРАЛАШУВИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 24-sentabr • Payshanba • 114 (30.075) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги

ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда давом этаётган Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида «Ўзқўргазмасавдо» павилонларида 23 сентябрь кунин «ICTExpo — 2009» ахборот технологиялари кўргазмаси бошланди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда БМТнинг Ривожланиш дастури томонидан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида мамлакатимизда Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида иқтисодийнинг барча тармақларида, жумладан, АКТ соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди. Юртимизда кулай сармоявий муҳит яратилгани хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий муносабатларни янада кенгайтириш, жаҳон иқтисодий интеграциялашиш, барча соҳаларда тажриба алмашиш ва илғор технологияларни ўзлаштиришда муҳим



омил бўлмоқда.

Мамлакатимизда телекоммуникациялар соҳасида кенг миқёсли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сунъий йўлдошли станциялар учун усуналар тайёрлаш, телекоммуникация тармоғини модернизациялаш шулар жумласидандир. Бундай лойиҳаларни амалга ошириш натижасида юртимизнинг барча шаҳар ва вилоятларида янги рақамли АТСлар ишга туширилди. Халқ

аро, шаҳарлараро ва ички алоқа учун 55 600 километр узунликдаги оптик толали кабель ётқизирилиб, мутлақо янги магистрал алоқа тизимлари яратилди, телерадиостанциялар модернизация қилинди. Уяли алоқа тизими ва интернетдан фойдаланувчилар сони муттасил кўпаймоқда.

«ICTExpo — 2009» кўргазмаси бир вақтнинг ўзида Тошкент ва Нукус шаҳарларида ўтказилмоқда. Шу кунлари

ташкил этиладиган видео-кўприк хизмати зиёратчиларга бир вақтнинг ўзида ҳар иккала кўргазма экспонатлари билан танишиш имконини беради. Кўргазмада Ўзбекистон, Россия, Украина, Хитой, Австрия, Германия, Корея, Венгрия каби мамлакатлардан 150 корхона, фирма ва компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этмоқда.

(Давоми 2-бетда)

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари,
Сиз ва Ўзбекистон халқи муборак Рамазон ойи ниҳоясида муқаддас Рўза ҳайитини нишонлаётган шу кунларда Америка халқи ва шахсан менинг энг эзгу тилаклари-мизни қабул қилгайсиз.

Бутун дунё мусулмонлари Рамазон ойида эъзозлайдиган раҳм-шафқат, хайр-эҳсон ва раҳмдиллик каби қадриятлар барча халқлар ўртасида сабр-тоқатга, эркинлик ва тинчликка эришиш воситаси бўлиб қолишига ишонаман.

Келаётган йилда Сизга ва Ўзбекистон халқига сийқат-саломатлик ҳамда раҳнақ тилайман.

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти

Кучли давлатдан —
кучли фуқаролик жамияти сари

Сайловлар ҳар бир мамлакат, халқ ҳаётида улкан аҳамиятга эга тарихий воқеадир. Бунда фуқаролар билан давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ўртасидаги муносабатлар янада кучаяди. Демократик тамойиллар асосида, очик, ошқора ўтган сайловлар орқали халқ хоҳиш-иродаси намоён бўлади. Адолат тамойиллари асосида парламент шаклланади. Янги шакланган парламент фаолиятининг самарадорлиги ҳам кўп жиҳатдан сайловлар натижаларига боғлиқ.

ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Айни пайтда фаолият кўрсатаётган Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мамлакатимизда про-фессинал асосда илк мартаба ташкил қилинган Депутатлар янги қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш, муҳокама этиш ва қабул қилиш

жараёни сир-асрорларини эгалладилар, хорижий тажрибани ўргандилар, уларнинг аксарияти профессионал парламентчиларга айландилар. Сайлов натижасида парламент аъзолари сифига билимли, ғайратли,

муайян ҳаётий тажрибага эга, қонун ижодкорлиги масалаларига жиддий ёндашадиган янги кучларнинг қўшилиши қонун чиқарувчи ҳокимият ишини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗДП: СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

УЮШҚОҚЛИК ВА ЖИПСЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ



Биз барпо этаётган демократик фуқаролик жамияти ўз аъзолари — аҳолининг барча қатламлари фаоллиги билан кучли, барқарор. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг электорати катта ижтимоий-сиёсий кучга эга. Гап фақат ана шу кучни фаоллаштириш, жамиятда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, энг азиз ниямат — мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, қонунчилик устуворлигига эришиш, ижтимоий йўналтирилган ислохотларни яна ҳам чуқурлаштириш учун курашда унинг иштирокини кучайтиришда.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларига бўлажак сайловлар арафасида бу ниҳоятда

муҳим, — деди Тошкентдаги «Совлаштирилган» очик акциядорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти фаоллари учун ташкил этилган навбатдаги ўқув машғулотларида ХДП шаҳар Кенгаши раисининг ўринбосари Маргарита Аҳмадбекова. — Утган йилнинг декабрь ойида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар сайловларга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда сиёсий партиялар роли ва жавабгарлигини жиддий равишда оширди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси қарорига мувофиқ биз кўппартиявийлик асосида Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашлари сайловида тайёргарликни бошлаб юбордик.

(Давоми 2-бетда)



Бугун Мисрда футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати мусобақалари бошланади. Дунёнинг энг кучли 24 жамоаси сафида мамлакатимиз вакиллари ҳам ғалаба учун кураш олиб боради!

Ушбу сурат ёш футболчиларимиз Осиё чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлиб, жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритган лаҳзаларда олинган. Мисрда ҳам мамлакатимиз ўғлонларига ана шундай юксак ғалаба, қувонч ва шодлик насиб этишига тилакдошимиз.

4-бет

Хушхабар!

ЗАУРБЕК — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Даниянинг Хернинг шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ўзбекистонлик эркин кураш усталаридан Заурбек Соҳиев олтин, Дилшод Мансуров бронза медали соҳиб бўлди.

Саксон тўрт килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан З.Соҳиев дастлабки учрашувда бразилиялик Адриан Жаудени мағлуб этди. Кейинги баҳсларда Пекин Олимпиадаси кумуш медали совриндори тожикистонлик Юсуф Абдусаломов, венецуэлалик Хосе Диаз, ярим финалда украиналик жаҳон чемпиони Ибрагим Алдатов ҳам Заурбекнинг устунлигини тан олди.

Финалда З.Соҳиев америкалик Якоб Хербертни ҳам мағлуб этди ва илк мартаба жаҳон чемпионлигига эришди.

Ўз фаолиятида 55 килограмм вазн тоифасида икки мартаба жаҳон чемпионатида зафар қўнган Д.Мансуров бу гал оғирлиги олти килограмм бўлган курашчилар баҳсида қатнашди. Хитойлик Ксюан Линг, Жанубий Корея вакили Сеунг Чул Ли, кубалик Перез Гонсалес ва япониялик Шоҗо Маедани мағлубиятга учратган ҳамюртимиз терма жамоамиз ҳисобига бронза медали келтирди.

Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида учинчи ўринда бормоқда.

Зоҳир ТОШХҲҲАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

«МУСТАҚИЛ
ЎЗБЕКISTON
ТАРИХИ»
2

ХОЖА
БАҲОУДДИН
НАҚШБАНД
3

EGYPT
2009
FIFA
4
ГУРУҲДАГИ ҲАР
БИР ҒАЛАБАГА
87 МИЛЛИОН
СУМ

Uzbekiston have yo'liari
TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари



ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Бирок парламент таркибининг қандай бўлиши, олий вакиллик органининг халқ манфаатлари учун қанчалик қайғуриши кўп жиҳатдан фуқароларнинг кимларга овоз беришига боғлиқ...

Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқаруви янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун кучга кириши билан давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ваколатлари жиддий кенгайди.

Мазкур қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, сайловда иштирок этишга бел боғлаган сиёсий партия унинг бу қарорини қўллаб-қувватловчи овозларнинг 50 минг ўрнига эндиликда 40 минг сайловчининг имзосини йиғиши керак.

Сайлов мавсумида ўз-ўзидан сиёсий партиялар ўртасида рақобат кучаяди. Ҳар бир партия ўз сайловда дастурини илгари суради. Ҳар бир партия ўз сайловда дастурини илгари суради. Ҳар бир партия ўз сайловда дастурини илгари суради.

Сайловнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилиши депутатликка номзодлар орасидан энг муносибга овоз бериши имконини беради. Агар Ўзбекистон парламентига бўлган олдинги сайловларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари (1999 й.) ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари (2004 й.) ҳам номзодлар кўрсатган бўлса, эндиликда фақат сиёсий партиялар парламент куйи палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎЗБЕКИСТОНДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Компаниямиз вирус, спам ва хакерлар ҳужумидан ҳимоя қилувчи тизимларни ишлаб чиқариш билан шуғулланади. — дейди Россиянинг «Лаборатория Касперского» компанияси минтақавий техник менежери Кирилл Суворов.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗД мухбири.

Китоб жавонингизга

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 18 сентябрда қабул қилган Фармойишига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» Маркази ташкил этилган эди.

Мавзудан таркиб топган эди. Кейинги йиллар тарихий тараққиётини ҳисобга олган муаллифлар китобга яна 3 та мавзу қўшдилар. Улар — «Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши», «Янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислохотлар» ва «Мустақил Ўзбекистон Республикаси тарихида суверен Қорақалпоғистон Республикаси» деб номланган бобларга киритилган тўлдириш ва қўшимча маълумотлардир.

«МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ»



тарихий аҳамияти илмий, сиёсий жиҳатдан ўрнатилган, тадқиқ этилган. Китобнинг биринчи нашри саккиз боб, 39

ЎЗХДП: СИЁСИЙ ВА ФУҚАРОЛИК МАЪРИФАТИ

УЮШҚОҚЛИК ВА ЖИПСЛИК — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу муносабат билан ўқув машғулотига фаолларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларига сайловлари ўтказиш бўйича қонунчиликка киритилган ўзгаришлар ҳусусида батафсил тушунча берилди, бўлажақ сайлов иштирокчилари улар билан атрофлича таништирилди.

Шерали ДУСТОВ, сиёсатшунос. Жўра САЪДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Бу хусусан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда барқарор тараққиётнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Муаллифлар унинг асосларини етарли даражада ёритиб берадилар.

ХОЖА БАҲОУДДИН НАҚШБАНД

Нақшбанд (нақш солуви) номи билан машҳур бўлган Баҳоуддин Мухаммад 1318 йилда Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Ҳиндувон қишлоғида туғилган. Илоҳий истеъдод соҳиби бўлган бу зот аввал Хожа Мухаммад Бобо Самосий, сўнгра Саййид Амир Кулоб қўлида тарбияланган, тарикат одоби, тасаввуф таълимотини эгаллашди. Шу билан бирга, Халл ота ва Қусам Шайх суҳбатларида бўлди. Аммо ул зотнинг ўз эътирофига кўра, бутун қалби билан Хожа Бузург — Хожа Абдулоҳиқ Фихридиннинг руҳиниятига боғланган.

Баҳоуддин Нақшбанд — валий инсон, улуг руҳоний мураббий, кўпдан-кўп покиза хислатли одамларни тарбиялаган, янги силсилани вуҳудга келтирган зот. Шунга қарамай, ниҳоятда камтарона ҳаёт кечирган, тақво, ҳалоллик, ҳақгўйлик, адолатпарварликда намуна бўлган. Уларига тегишли ерда деҳончилик қилиб, баъзан ота касб — кимхоба нақш солиб, лужмаи ҳалол билан рўзгор ўтказган.

Ул зот назру ниёз қабул қилмаганлар, аксинча, ўз рўзгорларидан ортиб қолса, бошқа муҳтожларга берганлар. Қасри Орифон ўзига хос хонақоҳга айланиб, Баҳоуддин Нақшбанд шу ерда шогирдлар тарбиялаш билан шуғулланган.

Нақшбандия таълимотининг асосий тарбия усули — суҳбатдир. «Суҳбатнинг фойдаси кўп, — дейди Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, — чунки суҳбат орқали инсон қалбига кириб бориш мумкин». Бошқа тарикатлардаги чилла ўтириш, зикри жаҳриани Баҳоуддиннинг ҳазратлари хуш кўрмаганлар. Чунки чиллада ўтириш, хилватнишилик — одамлардан узоқлашиш, ўзини кўз-кўз қилиш ва васвасага берилишидир. Суҳбат нақшбандиянинг бош шори — «хилват дар анжуман» (одамлар ичра хилватда бўлиш)га мос эди.

Зеро, касб-хунар билан шуғулланиб ёки бирор иш билан банд бўлиб ҳам, Аллоҳ ёдини дилда сақлаш, бандликни бир нафас унутмаслик, ҳамма вақт, ҳамма ерда, истаган шароитда ўзини огоҳ деб билиш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаш улуг фазилатдир.

«Даст ба кор-у, дил ба Ёр» шiori ҳам айнан шунга тақозо этар эди, яъни «Қўлинг ишда бўлсин, қалбинг — Аллоҳда».

Тарбияда ички оламни поклаш ва руҳоний камолотга асосий эътиборни қаратиш. Шу маънода хилватнишилик, узлатни тарк этиб, жамият ичиде бўлиб, Аллоҳни дилда сақлаш, зикрни қалб билан адо этишга эришиш;

Киши ўз-ўзини назорат қилиб бориши, кириб-чиқатган нафаси, фаолияти,

умри нимага сарфланаётганини ҳисоблаб, ўзини огоҳлик билан ростлаб бориши даркор. Ўз ички оламига сафар қилиш орқали нафасни тарбиялаш, инсонийлик хислатларини кўпайтириб боришга эришиш;

Фақирлик ва тавозеъни ўз ахлоқ қондасига айлантириш. Фақирчилик — гадоллик ёки қашшоқлик эмас,

ейиш нақшбандиянинг бош талаби эди. Унда камтаринлик улуғлиниб, турли кийим кийиб, ўзини кўз-кўз қилиш, суфийман деб иддао қилиш, керилиш катта нуқсон деб қаралган.

Баҳоуддин Мухаммад Нақшбанд 71 ёшида 1389 йили ўз муборак маскани Қасри Ҳиндувон (кейинчалик бу ер Қасри Орифон

кази ташкил этилди. Бугунги кунда Марказ томонидан қатор маънавий-маърифий тадбирлар, хайри ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси беш юз йил мобайнида шаклланди. Унинг илк тарихи тўғрисида маълумотлар жуда оз. Баҳоуддин Нақш-

бошларида хонақоқ шарқий пештоқи қошида кичик минора ва бир неча хужрадан иборат бир қаватли меҳмонхона барпо этилган. Шу даврнинг ўзида мажмуа шимолида кичик бозорча ва унинг орқасида боғ ҳам бунёд қилинган. Амрилик уша даврда ҳар йил апрель ойида бу ерда «Гули сурх» («Кизил гул») байрамини нишонлаган.


XX аср бошларида қабристон ҳудудига олиб кирадиган асосий йўл-дарвозахона гарбда жойлашган эди. Зиёратчилар бу дарвоза орқали ошхона ва бошқа қўшимча хоналардан иборат бўлган хўжалик ҳовлисига ўтишган. Ховлининг шарқий тарафида пештоқи мрамар билан қопланган яна бир дарвоза қад кўтариб турган. Унинг атрофида эса икки масжид ва мадраса мавжуд эди. Шу дарвозадан то Баҳоуддин Нақшбанд ҳазираларининг асосий дарвозаси, яъни Бобо Саломгача узун тор йўлак чўзилган бўлиб, унинг икки тарафида қабрлар, дахмалар жойлашган.

Шундай кутлуг қадамжода кимлар келиб кетмади, кимлар зиёрат қилмади. Бироқ шунга фахр-ифтихор билан таъкидлашимиз лозим, фақат муҳтарам Президентимиз ташрифидан кейин бу ерда катта бунёдкорлик ва таъмирлаш ишлари бошланди. Айни пайтда мажмуа тўла қайта қурилди, таъмирланди. Мажмуага олиб кирадиган бир неча дарвозалар мавжуд. Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуасига ҳар кун миңлаб зиёратчилар ташриф буюрилади. Баҳоуддин Нақшбанд дахмалари буйича бирига мос келадиган гўзал нақшкор мрамар панжара билан безатилган.

XVI аср биринчи ярмида Баҳоуддин Нақшбанд қабри атрофи ҳазира билан ўраб олинди, унинг шимолий-ғарбий бурчагида эса хижрий 951 (милодий 1545) йилларда хонақоқ барпо этилди. Ҳазиранинг шимолий томонидаги ховуз ҳам шу пайтда қурилган бўлиши керак.

Ҳазиранинг фақат ғарбий бош пештоқи сақланиб қолган. Пештоқ чўқур бўлмаган равоксимон тоқчалардан ташкил топган баланд гиштин девордан иборат. Ҳазира ховлисида киришда чап томонда катта масжид айвони ва ўнг томонда Қуръон тиловат қилинадиган гўмбазли хона мавжуд. Баҳоуддин Нақшбанд дахмалари ҳазира кириш қисмининг марказида жойлашган. Ҳазира ёнида туг ва чирокхона, шимол томонда эса кудўк ва ховуз бор. Ховуздан сал шимолроқда муқаддас сув сақланадиган қозонга эга сақхона жойлашган. Ҳазиранинг жанубий ва шарқий деворлари бўйлаб Баҳоуддин Нақшбанднинг қўллаб қариндошлари қабри жойлашган.

XIX аср охири XX аср



СУВ ТОШҚИНЛАРИ

бешта штатга хавф солмоқда

АҚШнинг жануби-шарқий ҳудудларида бир ҳафтадан бери давом этаётган тинимсиз ёмғир оқибатида сув тошқинлари юзага келди. Айни дамда Теннеси, Алабама, Шимолий Каролина, Виржиния ва Жоржия штатлари сув тошқини остида қолди. Кўприклар, йўллар бузилган. Жоржияда сув тўғони хавф остида. Штат губернатори 17 та округ-

да фавқулодда ҳолат эълон қилди. Мактаблар ва бошқа турли жамоат муассасалари вақтинча ёпилди.

Сув тошқинидан 6 киши нобуд бўлди. «Associated Press» АА хабар қилишича, кейинги 6 ойда АҚШнинг жанубий ҳудуди қургочликдан зарар кўрмоқда эди. Аслида қургочлик бу ҳудуд-

лар учун табиий бўлиб, сув тошқинларидан кўра кўпроқ хавф солиб келган. Энди эса аҳоли тошқиндан азият чекмоқда.

Жоржия шаҳарларида 20 миңдан ортиқ хонадон электр энергиясиз қолди, Трион шаҳридан эса 1,5 миңдан ортиқ аҳолини кўчиришга тўғри келди. Атланта штатида 36 соат ичиде кўчаларда сув сатҳи ярим метрга кўтарилди.

Метеорологларнинг фикрича, ёмғирли кунлар бугун-эрта тўхтади, ammo яқинда яна кучайиши мумкин. Шунинг учун ҳам метеорологлар аҳолини хушёрликка чақирмоқда.



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ

кейинга қолдирилди

Саудия Арабистони ва Уммон давлатлари ўрта таълим мактабларида янги ўқув йили одатда сентябрь охирида бошланарди. Аммо бу йил ундай бўлмади.

Бирлашган Араб Амирликлари «Гальф Нюз» газетаси хабарига кўра,

Саудия Арабистони ва Уммонда тарқалаётган А/Н1Н1 гриппи вируси янги ўқув йили ортига суришга мажбур этмоқда. Яъни янги ўқув йили октябрь охири ва ноябрдан бошланади. Болалар боғчалари эса 17 ноярдан очилди.

Саудия Арабистони Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига қараганда, мамлакатда ҳозирги кунда 3,5 миңдан ортиқ киши «чўчка гриппи»га чалинган, 23 киши эса айнан шу касалликдан нобуд бўлган. Уммонда 1,5 миң кишига вирус юққанлиги қайд этилган бўлса, шундан 18 нафари ҳаётдан кўз юмган.

САЙЁҲЛАР ТАШРИФИ

тақиқланди

Хитой маъмурияти хорижий сайёҳларнинг Тибетга ташрифини вақтинча тақиқлади. Ушбу тоғли музофотда дам олаётган хорижий сайёҳлар саёҳат муддати тугач, худуддан кетиши мумкин.

«Associated Press» АА

хабарига қараганда, тақиқлов 1 октябрь кун кенг нишонланадиган Хитой Коммунистик партиясининг 60 йиллик юбилей байрами муносабати билан ўлкада хавфсизликни сақлаш мақсадида жорий этилди. Шунингдек, Хитойда пичоқ-

лар ва бошқа шунга ўхшаш тигли анжомлар савдоси ҳам вақтинча тақиқланди. Тибетдан маълум қилишларича, хорижий сайёҳлар ташрифи бўйича эълон қилинган тақиқлов 8 октябрдан амалда бўлади.

ЦИРКДА ҲАЙВОНЛАР ЧИҚИШИ

ман этилади...ми?

Ҳайвонларни ҳимоя қилиш бўйича Берлин вакили Клаус Людвек шаҳар циркида фил, шер, йўлбарс, маймун, зебра, лама, туя, от ва бошқа ҳайвонларнинг чиқишларини бутунлай тақиқлаш тақлифини ўртага ташлади.

Унинг айтишича, бу ҳайвонлар кийноқлар остида машқларга ўргатилади. Циркда фақат ит ва мушқлар чиқишини уюштириш мумкин. Негаки, уларни ўргатиш осонроқ.

«Berliner Morgenpost» нашрида ёзишларича, мазкур тақиқлов қарори лойиҳаси парламент вакиллари томонидан тайёрланмоқда. Яқинда у қайтадан бундестратда кўрилиб, бундестаг муҳокамасига қўйилади.


Айни дамда Берлиндаги жониворларни ҳимоя қилиш уюшмаси, Альберт

ман этилади...ми?

«Berliner Morgenpost» нашрида ёзишларича, мазкур тақиқлов қарори лойиҳаси парламент вакиллари томонидан тайёрланмоқда. Яқинда у қайтадан бундестратда кўрилиб, бундестаг муҳокамасига қўйилади.

Айни дамда Берлиндаги жониворларни ҳимоя қилиш уюшмаси, Альберт

Швейцар жамғармаси, «Berlin-Vegan» ва «Рета» ташкилотлари тақиқлов жорий этилишини қўллаб-қувватламоқдалар.



«ҲИНДИСТОН» КИНОТЕАТРИ

Энг улуг, энг азиз байрамимизнинг 18 йиллик шодисналари кунда Андижон шаҳрининг Бобур шоҳ кўчасида жойлашган «Ҳиндистон» кинотеатри қайта таъмирланиб, ишга туширилди. Саховатпеша Қаҳрамонжон Муҳидинов сый-ҳаракати, «Интергал Моторс» масъулияти чекланган жамият қурувчилари меҳнати билан кинотеатр янгидан чирой очди.

У ҳозир қўллаб-қувватловларга хизмат кўрсатмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ

Сирдарё вилояти ҳокимлигининг қурилишда «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси томонидан «Ўзбекистон овози» газетасининг 2009 йил 17 сентябрдаги 112-сонда чоп этилган эълонда «Бошлангич нархи 20% ҚҚС» (миң сўм) 324500,0 ва 97667,0» деб ўқилсин.

Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази маъмурияти марказ ҳисобчиси Мейлибоева Дилфузага отаси **Эшпўлат МЕЙЛИБОВЕВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таззия изҳор этади.



Халқимиз оилани муқаддас деб билади, уни кўз қорачиқидек асраб-авайлайди. Афсуски, баъзан кундалиқ турмушда арзима сабаблар туфайли барбод бўлаётган оилаларга дуч келамиз. Эр-хотиннинг ажралиши оқибатида бегуноҳ фарзандлар руҳан изтироб чекади, қолаверса, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий негизига ҳам жиддий путур етади.

Шу боисдан ҳам суд амалиётида оилавий низоларни қўриб чиқиш алоҳида масъулият ва эътибор талаб этади. Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги «Судлар томонидан никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни қўришда қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 14-бандида белгиланганидек, никоҳдан ажратиш ҳақидаги

ишни қўришда суд эр-хотини яраштириш ва оилавий вазиятни соғломлаштириш чораларини кўради. Суд бунда эр ёки хотиннинг илтимосига ёхуд ўз ташаббусига кўра ишнинг қўрилишини бошқа вақтда қолдиради. Томонларнинг яраштирилиш учун Оила кодексининг 40-моддасига мувофиқ олти ой муддат белгиланади.

ОИЛА ҚЎРҒОНИ МУСТАҲКАМ БЎЛСИН

Албатта, суд яраштириш учун берилган муддатда вазият тақозо этган тақдирда ажрим нусхаларини улар яшайдиган жойдаги маҳалла ёки қишлоқ фуқаролар йиғинига муҳокама қилиш ва яраштириш учун юбориши мумкин. Бундай чора-тадбирлар аксарият ҳолларда ижобий самара беради. Аниқроқ айтганда, ажралши арафасида турган оилалар тикланиб, унда соғлом муҳит қарор топади. Келинг, шу ўринда амалиётдаги ҳаётий мисолларга мурожаат қилайлик.

Даввогар А.Р. фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъво ариза билан мурожаат қилади. Аниқлаштиришча, А.Р. 2001 йилнинг қўрилишини бошқа вақтда қолдиради. Томонларнинг яраштирилиш учун Оила кодексининг 40-моддасига мувофиқ олти ой муддат белгиланади.

Қарор ва ижро


Судда даъвогар ўз даъвосини қувватлаб, жавобгар билан феъл-атворлари тўғри келмаслигини, умумий рўзгор юртишларига имкон йўқлигини таъкидлади. Жавобгар Р.Ж. ҳам шу тахлит фикр билдирди.

Суд ишни ҳар томонлама қўриб чиқиб, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги қарори 19-бандини қўллашни лозим топди. Мазкур бандда «Оиладаги вақтинчалик келишмовчилик, тасодифий сабабларга эга бўлмаган сабабларга кўра эр-хотиндан бирининг ёхуд ҳар иккаласининг никоҳ муносабатини давом эттиришини хоҳламаслиги никоҳни бекор қилиш учун етарли асос бўла олмайдиган» деб белгиланган. Шунга кўра даъвогарнинг даъво талаби рад этилди. Пировардида эндиликда бу оила умумий

рўзгор юритмоқда. Шунингдек, А.Х. судга даъво ариза билан мурожаат қилиб, турмуш ўртоғи билан икки ойдан буён умумий ажрашмоқчи бўлганларга бундай оилалар тикланиши учун тарбиявий характердаги чораларни кўради. Натижада қўллаб оилалар сақлаб қолинади. Зеро, оила — муқаддас. Уни асрашимиз ва авайлашимиз даркор.

Атабек МАТКАРИМОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди раиси.

СИЗЛАРГА ОМАД ВА ҒАЛАБА ЁР БЎЛСИН!




Ахмаджон
УБАЙДУЛЛАЕВ,
бош мураббий



Сергей
АРСЛОНОВ,
катта мураббий




Марат ГАЛИМОВ,
дарвозабонлар
мураббийи




Даниёр УСМОНОВ,
дарвозабон
(«Нефтчи»),
1989 йилда туғилган




Санжар ҚУВВАТОВ,
дарвозабон
(«Машъал»),
1990 йилда туғилган




Муҳиддин ХУДОЕВОВ,
дарвозабон
(«Бунёдкор»),
1990 йилда туғилган



Сарвар ОТАБОВЕВ,
ҳимоячи
(«Қизилқум»),
1989 йилда туғилган




Дилорбек ЭРМАТОВ,
ҳимоячи
(«Нефтчи»),
1989 йилда туғилган



Шерзод АБЗАМОВ,
ҳимоячи
(«Насаф»),
1990 йилда туғилган




Қамолиддин
ТОЖИБОВЕВ, ҳимоячи
(«Бунёдкор»),
1990 йилда туғилган



Мурод
ХОЛМУҲАММЕДОВ,
ҳимоячи («Олмалиқ»),
1990 йилда туғилган




Ислои
ТҲУХТАҲУЖАЕВ,
ҳимоячи («Нефтчи»),
1989 йилда туғилган




Ғулом
УРУНОВ, ҳимоячи
(«Пахтакор»),
1989 йилда туғилган



Сардор МИРЗАЕВ,
ярим ҳимоячи
(«Нефтчи»),
1991 йилда туғилган



Жасур ҲАСАНОВ,
ярим ҳимоячи
(«Бухоро»),
1989 йилда туғилган



Суннат МАМАДАЛИЕВ,
ярим ҳимоячи
(«Қизилқум»),
1989 йилда туғилган




Зоҳир ПИРИМОВ,
ярим ҳимоячи
(«Олмалиқ»),
1990 йилда туғилган



Достон
АБДУРАҲМОНОВ, ярим
ҳимоячи («Олмалиқ»),
1990 йилда туғилган



Шерзод КАРИМОВ,
ярим ҳимоячи
(«Пахтакор»),
1989 йилда туғилган




Ойбек ҚИЛИЧЕВ,
ярим ҳимоячи
(«Пахтакор»),
1989 йилда туғилган




Даврон МИРЗАЕВ,
ҳужумчи
(«Пахтакор», Россия),
1989 йилда туғилган



Кенжа ТҲРАЕВ,
ҳужумчи
(«МеталлурҒ»),
1989 йилда туғилган



Иван НАГАЕВ,
ҳужумчи
(«МеталлурҒ»),
1989 йилда туғилган



Сан'ат ШИХОВ,
ҳужумчи
(«Пахтакор»),
1989 йилда туғилган

ЁШЛАР ЎРТАСИДА XVII Жаҳон чемпионати

«А» гуруҳи Миср Тринидад ва Тобаго Парагвай Италия	«В» гуруҳи Нигерия Венесуэла Испания Таити	«С» гуруҳи АҚШ Германия Камерун Жанубий Корея
«Д» гуруҳи Гана ЎЗБЕКISTON Англия Уругвай	«Е» гуруҳи Бразилия Коста-Рика Чехия Австралия	«Ғ» гуруҳи БАА ЖАР Гондурас Венгрия

ЎЙИНЛАР ТАҚВИМИ

1. Миср — Тринидад ва Тобаго. 24 сентябрь
2. Парагвай — Италия. 25 сентябрь
3. Нигерия — Венесуэла. 25 сентябрь
4. Испания — Таити. 25 сентябрь
5. АҚШ — Германия. 26 сентябрь
6. Камерун — Жанубий Корея. 26 сентябрь
7. Гана — ЎЗБЕКISTON. 26 сентябрь
8. Англия — Уругвай. 26 сентябрь
9. Бразилия — Коста-Рика. 27 сентябрь
10. Чехия — Австралия. 27 сентябрь
11. БАА — ЖАР. 27 сентябрь
12. Гондурас — Венгрия. 27 сентябрь
13. Нигерия — Испания. 28 сентябрь
14. Таити — Венесуэла. 28 сентябрь
15. Италия — Тринидад ва Тобаго. 28 сентябрь
16. Миср — Парагвай. 28 сентябрь
17. Жанубий Корея — Германия. 29 сентябрь
18. АҚШ — Камерун. 29 сентябрь
19. Уругвай — ЎЗБЕКISTON. 29 сентябрь
20. Гана — Англия. 29 сентябрь
21. Австралия — Коста-Рика. 30 сентябрь
22. Бразилия — Чехия. 30 сентябрь
23. Венгрия — ЖАР. 30 сентябрь
24. БАА — Гондурас. 30 сентябрь
25. Венесуэла — Испания. 1 октябрь
26. Таити — Нигерия. 1 октябрь
27. Тринидад ва Тобаго — Парагвай. 1 октябрь
28. Италия — Миср. 1 октябрь
29. Германия — Камерун. 2 октябрь
30. Жанубий Корея — АҚШ. 2 октябрь
31. Уругвай — Гана. 2 октябрь
32. ЎЗБЕКISTON — Англия. 2 октябрь
33. Венгрия — БАА. 3 октябрь
34. ЖАР — Гондурас. 3 октябрь
35. Коста-Рика — Чехия. 3 октябрь
36. Австралия — Бразилия. 3 октябрь

ГУРУҲДАГИ ҲАР БИР ҒАЛАБАГА 87 МИЛЛИОН СЎМ!..

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари сўнгги тайёргарлик машғулотларини Испаниянинг Аликанте шаҳрида ўтказди. Ушбу сафар олдида Ўзбекистон футбол федерацияси президенти Мираброр Усмонов ёшларимиз билан учрашиб, уларга оқ йўл тилаганди:

— Бугун жаҳон чемпионати-га шунчаки бир терма жамоа эмас, балки ЎЗБЕКISTON бўлиб йўл олясизлар. Сизлар 24 та давлат орасида миллиатимиз ва Ватанимиз шаънини ҳимоя қиласизлар. Бугун дунё жамоатчилигининг диққат-этибори Мисрга қаратилади. Жаҳон чемпионатида ўзингизни ҳар томонлама кўрсата олсангиз, европалик футбол селекционерларининг эътибори-га тушишингиз аниқ. Бу ерда эса бутун Ўзбекистон халқи сизлардан чиройли ғалабалар-ни кутади. Уйда ота-онангиз, қариндош-уруғларингиз кўз тикиб ўтиради. Уларни уялтириб қўйманг! Юзингиз ёруғ бўлиб қайтсин. Мана, ҳурматли Президентимиз устозингиз Ахмаджон Убайдуллаевни юксак давлат мукофоти — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» унвони билан тақдирладилар.

НИМЧОРАК (1/8) ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИ

37. 1В — ЗАСД. 5 октябрь
38. 2А — 2С. 5 октябрь
39. 1Д — ЗВЕҒ. 6 октябрь
40. 1А — ЗСДЕ. 6 октябрь
41. 1Ғ — 2Е. 6 октябрь
42. 1Е — 2Д. 7 октябрь
43. 2В — 2Ғ. 7 октябрь
44. 1С — ЗАВҒ. 7 октябрь

ЧОРАК (1/4) ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИ

45. Фолиб-38 — Фолиб-39. 9 октябрь
46. Фолиб-37 — Фолиб-41. 9 октябрь
47. Фолиб-42 — Фолиб-44. 10 октябрь
48. Фолиб-43 — Фолиб-40. 10 октябрь

ЯРИМ (1/2) ФИНАЛ УЧРАШУВЛАРИ

49. Фолиб-45 — Фолиб-46. 13 октябрь
50. Фолиб-47 — Фолиб-48. 13 октябрь

УЧИНЧИ ЎРИН УЧУН

51. Мағлуб-49 — Мағлуб-50. 16 октябрь

ФИНАЛ

52. Фолиб-49 — Фолиб-50. 16 октябрь

бат ёдимдан кўтарилган экан. Мана, бугун федерация сизлар учун қанча маблағ ажратиб қўйганигини очик-ойдин айтман. Демак, гуруҳдаги ҳар бир ғалабага 87 миллион сўмдан ажратилди. Учта ўйинга 240 миллион сўмдан ортқ маблағ мукофот тарзида белгиланди. Гуруҳ босқичи забт этиладиган бўлса, бу пуллardan ташқари яна 145 миллион сўм берилди. «Плей-офф»да илк ғалаба учун ҳам шунча миқдордаги мукофот белгиланган. Кейинги босқичнинг мукофоти — 203 миллион сўми ташкил этади. Ярим финалдаги ғалабангиз 300 миллион сўм миқдордаги пул билан мукофотланади. Агар омад ёр бўлиб, жаҳон чемпи-

онатидан олтин медаллар билан қайтадиган бўлсаларингиз, унда ҳар бирингизга яна биттадан энгил машинанинг калити топширилади. Демак, умумий мукофот жамғармаси — 1,5 миллиард сўми ташкил қилади.

Лекин пул биринчи ўринда бўлиши мумкин эмас. Яна такрорлайман, сизлар жаҳон чемпионатида Ўзбекистон номидан кетаяпислар. У ерда бизнинг ким эканлигимизни, нималарга қодирлигимизни, маданиятимизни, одоб-ахлоқимизни намойиш этасизлар. Футбол жамоатчилигининг қалбида яхши хотиралар билан қолишга ҳаракат қилинлар. Сизларга омад ёр бўлсин!

СЎЗ — ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗГА:

Кенжа ТҲРАЕВ:

— Биз кўтаринки кайфиятда Мисрга жўнаб кетаяпмиз. Назаримда, айримлар бизга ишоншмаяпти, ижобий натижалар кутишмаяпти. Аммо биз фақат ғалаба ҳақида ўйлапмиз. Ҳужумчи сифатида ҳар бир ўйинда тўп киритиш учун жон-жаҳдим билан курашаман. Ахир бундай имконият ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-да...

Суннатилла МАМАДАЛИЕВ:

— Дастлабки ўйини ғалаба билан бошлаб олсак, бу натижадан кейин бошқа рақибларимизга ҳам осон бўлмайди. Кўпчилик гуруҳимиздаги бошқа жамоаларга юқори баҳо беришмоқда. Аммо биз улардан чўчиётганимиз йўқ. Чунки бундай мусобақаларда номлар ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Биз, аввало, халқимизга қувонч улашиш ҳамда Осиё чемпионатида бежиз қумуш медалга сазовор бўлмаганлигимизни исботлаш учун майдонга чиқамиз.

Шерзодбек КАРИМОВ,

терма жамоа сардори:
— Жамоадoshларимнинг кайфияти аъло даражада, ғалабага бўлган иштиёқ кучли. Осиё чемпионатидан кейин ҳар томонлама ўсишга эришдик. Жуда кўплаб йигинларда қатнашдик. Айниқса, Англия ҳамда Испанияда ўтказилган ўртоқлик учрашувларида орттирган тажриба-миз жаҳон чемпионатида ўз самарасини беришига ишонаман. Энг муҳими, ҳужумкор ўйин кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Чунки гол киритиш учун кўпроқ ҳужум қилиш лозим, деб биламан.

Саҳифани Эркин ХОЛБЕО тайёрлади.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afvor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti
233-10-13
Madaniyat va sport
233-69-45,
(Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56
Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80
Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail:
info@uzbekistonovozi.uz

Navbaxtiy Mirfazliyev

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston

Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007 yil
11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849

8239 nusxada bosildi

1 — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'ZA yakuni — 20.20

Topshirilgan vaqti — 23.00

1 2 3 4 5 6 7 8

Sotuvda erkin narxda